

## ЛУТФИЙ ТҮРТЛИКЛАРИДА СЎЗ МАЪНОЛАРИ

### Бобоқулова Шоҳиста

Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эрди... Ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхши айта олмаган<sup>23</sup>. Лутфий ижоди ранг-баранглиги, серқирралиги билан XV аср ўзбек мумтоз адабиётида алоҳида ўрин эгаллаган. Лутфийдан бизга жуда катта миқдорда лирик мерос қолганлиги барчамизга маълум. Мавлоно Лутфий нафақат ғазал жанрида, балки туюқ, қитъа, фард, рубоий каби жанрларда ҳам қалам тебратган. Шоирнинг тўртликлари ҳақида сўз борар экан, унинг туюқлари алоҳида диққатга сазовор.

Туркий тил шеърятига хос бўлган тажниси сўзлар воситасида туюқ яратиш санъати Лутфий шеърятини ёрқин ифодаланган деб айтиш мумкин. Лутфий туюқлари мазмун жиҳатидан ранг-барангдир. Шоир ошиқ ва машуқанинг тавсифи, ҳис-туйғуларини ифодалашда турли вазиятларга хос ўғит-насихатлар, халқ мақоллари, матал, иборалар, ажойиб сўз ўйинлари ва турли хил шеърини санъатлардан моҳирона фойдаланган. Лутфий туюқлари орасида инсонлар қалбига баравар даражада яқин, асрлар ва замонлар учун бир хил қадрли бўлган севги ҳисларини ифодаловчи шеърлар салмоқлидир<sup>24</sup>.

Лутфий ўз тўртликларида инсоний севгини қуйлайди. У ўзи тасвирлаётган гўзалнинг фақат ташқи гўзаллиги, хуснини эмас, балки уни яхши хулқ, ахлоқ-одоб, меҳр-шафқат, ақл-заковат, меҳрибон дўст каби яхси фазилатлар эгаси сифатида ҳам улуғлайди<sup>25</sup>.

Қуйида Лутфий девонида келтирилган айрим туюқларнинг лексикаси, сўзларнинг маъно хусусиятларини таҳлил қилишга уриндик.

*Tüz begim, bu damda suhbat kökini,*

*Tut ayaq, kes dard-u yamniñ kökini.*

*Ilgindin gar kelsä başqa tut ayaq,*

*Közgä ilmän dunyāniñ yer-kökini*

Ушбу туюқ *kök* сўзи тажниси асосига қурилган. Туюқдаги *kök* лексемалари турли маъноларни ифодалайди. Қ. Содиқов ушбу туюқдаги «кўк» лексемасини қуйидагича шархлаган:

Биринчи мисрадаги *kök* «авж» маъносида (*suhbat kökini* – «суҳбатнинг ёқимлиси, дил тортувчи суҳбат»), иккинчи мисрадаги *kök* «илдиз», сўнгги сатрдаги *kök* эса «осмон»дир<sup>26</sup>. «Qutadγu bilig» ҳамда «Навоий асарлари тили изоҳли луғати» да ҳам *kök*

<sup>23</sup> Xondamir Makorim ul axloq. O'zR FA SHI, Toshkent, 37-b.

<sup>24</sup> Қажумов А. Қадимият обидалари. Тошкент 1972, 6 -б.

<sup>25</sup> Аҳмадхўжаев Э. Мавлоно Лутфий. Тошкент 1991, 61-б.

<sup>26</sup> Содиқов Қ. Эски ўзбек ёзма адабий тили. –Тошкент, 2020. 292- б.

сўзининг «осмон», «кўк ранг», «фалак», «тақдир», «майса», «илдиз», « улуғ» каби маънолари келтирилган.

Биринчи қатордаги *tüz* сўзи қадимги туркий тилда кенг маъноларда қўлланган. «Навоий асарлари тили изоҳли луғати» да « тўғри», «рост», «ош тузи», «теккислик», «найза», «тузатмоқ», «бино қилмоқ», «яратмоқ» каби маънолари келтирилган. Туюқда айнан ёқимли суҳбат кургин, дил тортувчи суҳбат яратгин маъносидадир. Ушбу туюқда ошиқ машуқасига *begim*, яъни маҳбубам деб хитоб қилади. Туркий тилимизда *begim* сўзи ҳам бир нечта маъноларни англатган. Қадимда бу сўз «бекзода», «махбуба» ҳамда шохнинг хотинига ҳурмат юзасидан берилган ном сифатида қўлланган. Туюқда айнан «махбуба» маъносида қўлланган.

Иккинчи мисрадаги *ayaq* сўзининг эса «қадах», «жом», «коса», «май» маънолари келтирилган. Туюқнинг иккинчи қаторидаги *tut ayaq*, яъни *ayaq tut* «қадах тут, май тут» англамида; учинчи қаторидаги *tut ayaq*, яъни *ayaq tut* эса «бошга оёқ қўй, мени оёқ ости қил» англамидадир .

Учинчи мисрадаги *ilig* сўзи ҳам омоним сўзлар сирасига кириб «қўл», «панжа», «шахсият», «буйрук», «ихтиёр», «бисот», «суяк» каби маъноларни англатган. Туюқда айнан иликингдан келса, яъни «қўлингдан келса» маъносидадир.

Тўртинчи мисрадаги *kök* лексемаси «осмон» маъносини ифодалайди. Дунёнинг ер-у осмонини кўзга илмайман, яъни назарга илмайман англамидадир.

*Köz yašim tupraq ilä gar qatila,  
Kelmägäymen javridin haqqa tilä,  
yamzası öltürdi-yü ul bexabar,  
Men agar ölsäm ne yam ul qatila.*

Ушбу туюқ *qatila* сўзларининг тажниси асосига қурилган. Туюқнинг илк қаторидаги *qatila* сўзи «қўшилмоқ», «аралашмоқ» маъноларини, иккинчи мисрасида келган жавр сўзи «зулм-у ситам», «жафо», «адолатсизлик» маъноларини ифода этади. *Haqqa tilä* сўзи эса «Аллоҳдан сўра» , «Аллоҳдан ўтин» деган маънода қўлланган. Туюқнинг учинчи мисрасида келган *yamza* сўзи «кўз қисиш», «кўз билан ишора қилиш» маъноларини билдиради. Тўртинчи қаторда келган *qatila* сўзи эса «котил», «ўлдирувчи», «қатл қилувчи», «мафтун қилиувчи гўзал», «жабр-у жафо кўрсатувчи маҳбуба» каби маъноларга эга бўлиб, бу туюқда эса айнан «котил», «ўлдирувчи», «қатл қилувчи» маъноларида келган.

Ушбу туюқнинг умумий мазмуни қуйидагича:

Агар кўз ёшим тупроқ билан қоришса ҳам унинг, яъни ёрнинг жабр-у ситамидан фақат Аллодан ўтинаман, фақат Аллоҳдангина мадад сўрайман. Ноз-у карашмаси ўлдирди аммо унинг ўзи беҳабар. Мен агар ўлсам ҳам у котилга нима ғам. Ушбу туюқда ошиқ машуқасининг жафосидан шу қадар кўп ранж чеккан-ки, хатто кўп йеғлайверганидан кўз ёшлари тупроқ билан қоришар даражага етган. Машуқа эса

бепарволарча ноз-у карашма қилиб ўз ошиғини азобламоқда. Туюқда ошиқ ёр ишқида жон берса ҳам маҳбубаси ҳеч ғам чекмаслиги тасвирланган.

Лутфийнинг бошқа туюқлари каби қуйидаги туюқда ҳам муҳаббат туйғуси ва унга садоқатли ва вафодор бўлиш зарурлиги ғоялари илгари сурилган.

*Men köñül berdim yañaqıñ alına,  
Bolmadım vāqif bu makr-u alına.  
Emdi lābud čara yoq körmäk keräk,  
Har ne teñri čalmış olsa alına*

Ушбу туюқда *alına* сўзи тажнис қилиб олинган. Ушбу сўз биринчи мисрада қизил рангни ифодалаган. «яноғинг қизиллигига» маъносида қўлланга. Иккинчи мисрада «хийла», «макр», «фириб» маъносида, тўртинчи мисрадаги *čalmış olsa alına* эса «пешонага солган бўлса» англамида келган. Шоир бу туюқда: «мен қизил яноғинга кўнгил бериб севдим, аммо унинг макр-у хийласидан бохабар бўлолмадим. Энди унинг азоб-у изтиробларини чекмай бошқа илож йўқ, яъни тақдиримга шу азобларни кўриш ёзилган экан, тақдирдан қочишнинг имкони йўқ» – деган фикрни ифодаламоқда.

*Boyi husnuñdan gule gar tergämen  
Boş agar borsa bu yolda tergämen  
Ay yüzüñni künga oxşatqan üchün  
yarq bolmişmen uyattin tergä men.*

Ушбу туюқда ёрнинг гўзаллиги васф қилинган. Туюққа *tergämen* тажниси асос қилиб олинган. Илк мисрадаги *tergämen* сўзи «термоқ» маъносида, иккинчи мисрада «тергайман» маъносида, сўнги мисрада эса «терга» маъносини ифодалаган. Ошиқ ёрининг ҳуснини шу қадар таърифлайдики, ҳуснинг боғидан гул терсам дейди. Агар шу йўлга кирсам тергайман. Ой юзинг қуёшга ўхшагани учун ҳуснинг гўзаллигидан уялиб терга ботаман деган маъно ифодаланган.

Лутфий туюқлари орасида шикоят руҳида ёзилган туюқлари ҳам мавжуд. Ушбу туюқ бунга мисолдир:

*Čarx-i kajraftār elidin yozamen  
čiqmadim hijrān qişidin yaza men  
Bir meni yarlıq ilā yad etmäs ul  
Har neča ul šahga qulluq yazamen.*

Ушбу туюқда *yozamen* сўзлари тажнис санъатини юзага келтирган. Туюқ ошиқнинг шикояти билан бошланган. Биринчи мисрадаги *yozamen* сўзи «ёзғирмоқ», яъни «шикоят қилмоқ» маъносидадир. Иккинчи мисрадаги *yaza men* сўзи эса «ёзга чиқмадим» маъносида. Сўнги мисрадаги *yazamen* сўзи «ёзмоқ» маъносида қўлланган.

Туюқнинг умумий мазмуни қуйидагича:

Тескари айланувчи бу дунёдан шикоят қиламан. Бу ҳижрон қишидан, айрилиқ кунларидан ёзга, яъни рўшнолик кўрадиган кунларга чиқмадим. Туюқда шоир маҳбубасини шоҳ даражасида улуглаб унга шоҳ деб мурожаат қилади. У жоҳга ҳар

қанча куллуқ ёзсам ҳам, у мени биргина ёрлиғи, яъни мактуби билан ёд этмади деб ҳасрат чекади.

Лутфийнинг сўзга бой, сўз устаси эканлиги унинг туюқларида янада ёрқин кўринади. Лутфий ўз туюқларида туркий тил хусусиялари ва элементларидан фойдаланишда ўзига хос маҳорат кўрсатди. Лутфий тўртликлари халқ тилига оид ибора, бирикма, мақол ва маталларга жуда бой. Лутфий туркий тил имкониятларидан фойдаланибгина қолмади, балки туркий тил юксалишида ўзига хос ўрин эгаллади.

#### АСАРЛАР:

1. Содиқов Қ. Эски ўзбек ёзма адабий тили. Тошкент, 2020.
2. Хондамир Макорим ул ахлоқ. Тошкент, 2018.
3. Қаюмов А. Қадимият обидалари. Тошкент, 1972.
4. Э. Аҳмадхўжаев. Мавлоно Лутфий. Тошкент, 1991.